

# «SHARQONA» муддатли омонат шартномаси

№

г. Ташкент

[Рег. Дата]

Бир томондан «Банк», - деб аталувчи ХАТБ «Давр-банк» олмазор филилали 25.05.2022йил № 1779/юр-сонли ишончнома асосида иш олиб борувчи филиал Бошқарувчиси \_\_\_\_\_ орқали ва кейинги ўринларда «ОМОНАТЧИ» деб аталувчи резидент ёки норезидент шахслар \_\_\_\_\_ (жисмоний шахснинг тўлик номи) иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

## 1. Умумий тушунчалар

**1.1 банк** - тижорат ташкилоти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (кейинги ўринларда Марказий банк деб юритилади) томонидан берилган лицензия асосида банк фаолияти деб ҳисобланадиган юридик ва жисмоний шахслардан депозитлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш, тўловларни амалга ошириш каби фаолиятлар мажмуини амалга оширадиган юридик шахс;

**1.2. депозит** (кейинги ўринларда омонат деб юритилади) - талаб қилиниши биланоқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай тўловларсиз қайтариб бериш шarti билан топшириладиган миллий ва чет эл валютасидаги пул суммаси;

**1.3 омонатчи** - банк билан тузилган банк омонати шартномасида ёки банк омонат сиёсатида назарда тутилган шартлар асосида банк билан келишилган ҳолда банкка маълум пул маблағини ўзи ёки унинг номига келган пул маблағини омонатга қўювчи резидент ёки норезидент шахс;

## 2. Шартнома мазмуни

**2.1 «ОМОНАТЧИ» «БАНК»ка пул маблағларини нақд кўринишда топширади.**

**2.2 Омонат тўғрисидаги маълумотлар:**

Омонат номи «SHARQONA», сақланиш муддати 13 (ўн уч) ой, фоиз тўлови йиллик 22 (ийгирма икки) фоиз, омонат суммаси \_\_\_\_\_ сўм, омонат дафтарчаси ажратилмасдан дан қабул қилинади.

**2.3 Омонатга қўшимча бадал қабул қилинади.**

**2.4 Омонатчи томонидан муддатли омонат турига қўйилган пул маблағлари омонат шартларида кўрастилган муддатидан олдин тўлиқ ёки қисман қайтариб олинса яъни 1 ойгача бўлса, ушбу муддатли омонат тури бўйича ҳеч қандай фоиз ҳисобланмайди.**

**2.5. «SHARQONA» муддатли омонат турига қўйилган пул маблағлари 1.2-банди шартларида кўрсатилган муддатдан олдин ёпилса 22% фоизлар ҳисобланади:**

Мазкур муддатлар бўйича ҳисобланган фоизлар қайта ҳисоб-китоб қилиниб, тегишлича муддатли омонат суммасидан ушлаб қолинади ва омонатчи томонидан пул маблағлари талаб қилинган кундан бошлаб 3 (уч) банк иш кунида қайтарилади

**2.6 Омонатнинг сунги куни 26.08.2023й санаси ҳисобланади**

## Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

### 3. Банкнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

**3.1 Банк маъсул ходими «ОМОНАТЧИ»ни омонат турига оид «ДАВР-БАНК» хусусий акциядорлик тижорат банкининг «SHARQONA» муддатли омонати шарт ва қоидалари (кейинги матнларда - Тартиб) билан таништиради.**

**3.2 Банк «ОМОНАТЧИ»дан пул маблағини нақд пул шаклида қабул қилганда, унинг шахсий омонат ҳисоб варағига шу иш кунидан кечикмай киритади.**

**3.3 Жисмоний шахс «ОМОНАТЧИ»нинг шахсий ҳисобварақларига нақд пулсиз шаклда келиб тушган суммаларни кирим қилиш тўлов топширикномаси олинган кундан кейинги иш**

кунидан кечикмасдан амалга оширилади.

**3.4** Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар ва қўйилган асосий сумма омонатчига ушбу омонат тури бўйича ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ва омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

**3.5** Омонат фоизлари миқдори камайтирган тақдирда банк ҳар бир омонатчини белгиланган тартибда (оммавий ахборот воситалари орқали ёки хат юбориш ёки интернет саҳифа орқали) хабардор қилади.

Банк омонатчининг ҳисобварағи хатланганда банк ушбу ҳисобварақдаги маблағлардан фойдалана олмаган давр учун фоизлар тўламайди.

**3.6** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 765-моддасига асосан омонат муддати тугаганидан сўнг банк мазкур шартноманинг 2.2-бандида кўрсатилган суммани ушбу шартнома билан белгиланган фоиз даромади билан қайтарилишини таъминлайди.

**3.7** «БАНК» «ОМОНАТЧИ»нинг муддатли ҳисобварағига ва ҳисоб варақ бўйича амалиётлар ҳақидаги маълумотларни сир сақлашни кафолатлайди, қонун ҳужжатларида назарада тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**3.8** Фуқароларнинг ҳисоб варақлари ва омонатларига доир маълумотларни уларнинг ўзига, қонуний вакилларига ҳамда омонатларда турган пул маблағлари хатланиши муносабати билан уларга ундирув қаратилиши ёки мол-мулк мусодара этилиши мумкин бўлган ҳолларда юритилаётган ишлар бўйича судлар, суриштирув ва тергов органларига қонунда белгиланган тартибда маълумотларни бериш ҳуқуқига эга.

#### **4. Омонатчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**4.1** «БАНК» томонидан талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этиш.

**4.2** «ОМОНАТЧИ» муддатли омонатни муддати тугагунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш нияти ҳақида, банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиш.

**4.3** «ОМОНАТЧИ» омонат ҳисобварағи ёпилгандан сўнг, омонат дафтарчасини банка қайтариш. «ОМОНАТЧИ» омонат кассаларида омонат дафтарчасини сақлашга қолдириши тақиқланади.

**4.4** «БАНК» омонат шартномасида кўрсатилган суммани ўз вақтида банк кассасига топшириш ва ҳисобварағига ўтказиш.

**4.5** «ОМОНАТЧИ» банк шартномасида мазкур омонат тури бўйича ўрнатилган фоиз миқдорида ҳақ тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

**4.6** «ОМОНАТЧИ» омонат муддати тугагандан кейин омонат суммасини ва омонат фоизини олиш ҳуқуқига эга.

**4.7** «ОМОНАТЧИ» омонатга қўшимча маблағларни ўша омонатнинг турига қараб киритиши мумкин.

**4.8** Омонат дафтарчаси тугилишини талаб қилиш; Агар омонат дафтарчаси талаб қилинса дафтарча тугилганидан сўнг шартнома «ОМОНАТЧИ» томонидан имзоланади.

**4.9** «ОМОНАТЧИ» омонат дафтарчаси варақлари ёзувлар билан тўлганда ёки яроқсиз ҳолга келганда ёки йўқолганда янги омонат дафтарчаси олиш учун омонатчи банк омонат кассасига дарҳол ариза билан мурожаат этиши лозим.

#### **5. Тўловларни ўтказиш тартиби**

**5.1** «БАНК» «ОМОНАТЧИ»дан шартномада кўрсатилган маблағни қабул қилади.

**5.2** Муддатли омонатларга ҳисобланган фоизлар белгиланган “Тартиб”ларга қараб тўлаб берилади.

**5.3** Агарда омонатчи банкка қўйган маблағини муддатидан олдин қайтариб олишни талаб қилса, у ҳолда муддатли омонат бўйича фоиз тўлови мазкур шартноманинг 1,5-бандига асосан тўлаб берилади.

**5.4** Муддатли омонат бўйича белгиланган муддат тугагандан кейин омонатчи маблағини қайтариб олиш учун банкка келмаган тақдирда, бу муддатли омонат қолдиғи, «Талаб қилиб олинадиган» омонатлар турига ўтказилади.

#### **6. Шартноманинг амал қилиш муддати.**

**6.1** «Омонат шартномаси» имзолангандан сўнг юридик кучга киради. Шартнома

мажбуриятларининг бажарилишида бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди.

**6.2** Шартнома мажбуриятлари тарафлар томонидан тўлиқ бажарилгунига қадар кучда бўлади.

### **7. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

**7.1** Шартномага ўзгартириш киритилиши, ижроси ва бекор бўлиши билан боғлиқ бўлган низолар ўзаро музокараларда ёки тегишли суд органлари орқали ҳал этилади.

### **8. Форс-мажор ҳолатлари**

**8.1** Тарафларнинг бири бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларни форс-мажор ҳолатларида, яъни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари вужудга келган ҳамда уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ҳолатлар (ер қимирлаш, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар)да бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар. Тарафларнинг мажбуриятларини бажаришдан озод қилиши учун бу форс-мажор ҳолатлар мажбуриятнинг бажармаслигига тўғридан-тўғри тўсқинлик қилган бўлиши лозим.

Мазкур шартномада назарда тутилмаган ҳолатлар ва шартлар қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ушбу шартнома тенг юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, бири банк филиалида иккинчиси омонатчига берилади.

### **8. Томонлар манзили**

“ОМОНАТЧИ”

“БАНК”

\_\_\_\_\_

**ХАТБ «ДАВР-БАНК»  
Олмазор филиали**

Манзил: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

х/р : \_\_\_\_\_

х/р \_\_\_\_\_

МФО: \_\_\_\_\_

МФО \_\_\_\_\_

Паспорт: \_\_\_\_\_

СТИР \_\_\_\_\_

Туғилган сана:

\_\_\_\_\_

Берилган вақти:

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

**Бошқарувчи ўринбосари**